

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30. 12.2019. Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТОЛИБОЕВА НОДИРА ОДИЛЖОНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ
ФАОЛИЯТИ (1991-2019 йй.)**

07.00.01 - Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Толибоева Нодира Одилжоновна

Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий
ислоҳотларни амалга оширишдаги фаолияти (1991-2019 йй.).....5

Толибоева Нодира Одилжоновна

Деятельность женщин в Узбекистане по реализации социально-политических
и экономических реформ (1991-2019 гг.).....25

Toliboeva Nodira Odiljonovna

Women's activities in Uzbekistan on the implementation of socio-political and
economic reforms (1991-2019).....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30. 12.2019. Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТОЛИБОЕВА НОДИРА ОДИЛЖОНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ
ФАОЛИЯТИ (1991-2019 йй.)**

07.00.01 - Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. XX асрда дунё миқёсида хотин-қизлар масаласига эътиборнинг кучайиши улар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий асосларнинг ишлаб чиқилишига ва аёллар масалалари бўйича халқаро институтлар ташкил этилишига замин яратди. Натижада аёллар муаммосининг изчиллик билан бартараф қилинишига ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш имкониятлари юзага келди. Бу жараён деярли барча мамлакатларнинг аёллар масаласи бўйича олиб бораётган сиёсатини ўзгартиришига олиб келди. Бу борада олиб борилаётган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, замонавий жамиятда аёлларнинг ролини кучайтириш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дунёнинг бир қатор илмий-тадқиқот марказларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги иштироки масалаларини ҳар томонлама ўрганиш устувор илмий йўналишлардан бири саналади. Глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш яхшилашда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш, давлат сиёсатини юритишда гендер тенглик тамойилларига асосланиш, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашда кенг аҳоли қатламини манфаатларини илгари суриш, аёлларнинг иқтисодийнинг турли соҳаларида иштирокини кенгайтириш учун шароитлар яратиш каби масалалар ўрганилмоқда.

Сўнгги йилларда республикада хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат бошқаруви ва қарорлар қабул қилишдаги ўрнини кучайтириш, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилди. Бу эса аёлларга ғамхўрлик сиёсати, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилинишида ўз ифодасини топмоқда¹. Шунингдек, хотин-қизлар бандлигини ошириш, жамиятда юзага келадиган ижтимоий муаммоларни олдини олиш, глобаллашув шароитида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини янада мустаҳкамлаш каби муҳим вазифаларни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // lex.uz.

йил 7 мартдаги ПФ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертацияда фойдаланилган тадқиқот ва илмий адабиётларни тарихшунослиги нуқтаи назаридан таҳлил этиш натижасида уч гуруҳга: совет даври ва мустақиллик йилларидаги илмий-тадқиқот ишлари ҳамда хорижлик муаллифларнинг асарларига ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ совет даври тадқиқотларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги ўрни коммунистик мафкура мақсадманфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёритилган, аёлларнинг жисмоний имкониятлари ҳисобга олинмаган, уларнинг фаоллиги арзон ишчи кучи сифатида ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш билан белгиланган¹.

XX асрнинг 80-йиллар охирига келиб ўзгарган ижтимоий-сиёсий жараёнлар туфайли хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш, маиший турмуш тарзи ва меҳнат шароитларини яхшилаш, малакали фаолиятни оила вазифалари билан бирга олиб бориш, касаначилик меҳнати, кўп болали оналарга имтиёзлар бериш каби масалалар қатор олималарнинг рисола ва қўлланмаларида ёритилган². Мазкур адабиётларда хотин-қизлар фаолиятини таҳлил этишга янгича услубий ёндашувнинг зарурлиги асослаб берилган. Бироқ, аёллар муаммоларининг тўлиқ ҳал этилмаганлиги коммунистик мафкура ҳукмронлиги билан белгиланган.

Иккинчи гуруҳ адабиётларини мустақиллик йилларидаги илмий-тадқиқот ишлари ташкил этади. Мазкур тадқиқотларда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрнига нисбатан советлар сиёсатининг моҳиятига холис баҳо

¹ Орипов Ф. Ўзбекистонда ишчи кадрларининг ташкил топиш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1968. – 135 б.; Абдурахмонов Қ. Илмий техника тараққиёти ва ишчи кадрлар тайёрлаш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972. – 21 б.; Азизова М. Пахтачиликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ҳиссаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – 98б.; Исмоилова Г.У. Ўзбекистонда хотин-қиз ишчи кадрлар тайёрлаш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1983. – 22б.; Алимова Д. Хотин-қизлар ҳаёти адабиётларда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984. – 24 б.; Тўрахўжаева З. Саноатда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш проблемалари. – Тошкент, 1989. – 21б.

² Алимова Д.А. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917-1941гг). – Ташкент: Фан, 1987. – 70 с.; Убайдуллаева Р.А. Вклад женщин в ускорение социально-экономического развития. – Ташкент: Знание, 1987. – С.19; Чеботарёва В.Г. Ўзбекистон хотин-қизлари – янги жамиятнинг актив курувчилари. – Тошкент: Билим. 1987. – 22с; Султанова С. Больше внимания вопросам труда и быта женщин // Коммунист Узбекистана. 1987. №4. – С.62-66; Тураходжаева З. О женском труде в общественном производстве // Коммунист Узбекистана. 1988. № 12. – С.75-76; Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было // Коммунист Узбекистана. – Ташкент, 1989. № 9. – С.23.

берилган¹. Шунингдек, бу даврда турли фан соҳаларида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоялаш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, шунингдек, аёллар муаммоларига бағишланган қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган².

Учинчи гуруҳга киритилган хорижий тадқиқотчиларнинг асарларида³ Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аёлларнинг фаол иштироки ва давлатнинг ғамхўрлик сиёсати ёритилган. Шунингдек, аёлларнинг ижтимоий аҳволига оид анъанавий тасаввурлар тўғрисида нотўғри хулосалар мавжудлиги ҳам баён этилган⁴. Шу билан бирга, БМТ Ривожланиш Дастури, Осиё Тараққиёт Банки томонидан Минг йиллик ривожланиш дастурига доир ўтказилган тадқиқотларда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон хотин-қизларининг давлат бошқарувидаги ўрни, иқтисодий фаоллиги, уларнинг таълим олиш

¹ Алимова Д. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии. Дисс. ...докт. истор. наук. – Тошкент. 1991. – 285 с.; Ўша муаллиф. Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы. – Ташкент: Фан, 1991. – 132с.; Абдуллаева Я. Женский вопрос в Каракалпақстане в конце XIX-XX в.в. (социально-политический аспект). Автореф. дисс. ...докт. истор. наук. – Тошкент, 2005. – 46 с.; Жўраева Н. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Тарих фан. номзод. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 161б.; Собирова Д. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40-80 йиллари). Тарих фан. номзод. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 173 б.

² Ирисова М. Занятость женщин Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям. Автореф. дисс...канд. экон. наук. – Ташкент, 1995. – С. 23; Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари. Фалсафа фан. номзод. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 20б.; Бобоназарова Ж. Қишлоқ аёлларининг ишсизлигини камайтириш (Жиззах вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номз. ...дисс. – Тошкент, 2002. – 138 б.; Ходжаева С. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Тошкент, 2004. – 26с.; Иномова С. Эъзозли аёл иқболи: давр-жамият-шахс. – Тошкент: Ўқитувчи НМИУ, 2005. – 96б.; Султанова Э. Аёл давлатнинг ривожланиш стратегиясида (Глобал муаммо сифатида). Сиёс. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 36 б.; Ғаниева Г. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: янгича ёндашув, муаммолар ва ечимлар (1991-2005йй.). Тарих фан. номзод. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 26б.; Ирматова А. Ишсиз аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш (Тошкент вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номз. ...дисс. – Тошкент, 2010. – 150 б.; Ҳусейнова А. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёллар фаоллигини ошириш муаммолари (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фанлари докт. ... дисс. – Тошкент, 2011, – 300 б.; Гаффарова М. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи. Социология фанл. ...доктори (PhD). ...дисс.автореф. – Тошкент, 2018. – 44 б.; Шамсиева М. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат нотижорат таъшилотларнинг ўрни (1991-2010 йй.). Тарих фанл. ... докт. (PhD). ...дисс.автореф. – Тошкент, 2020. – 48 б.

³ Сакс М. Работа и равенство в советском обществе. Нью-Йорк.1982, - 189 с.; Марни Ш. Советская биржа труда в переходной период. – Флоренция, 1992, – С.138.; Женщины мира: - Тенденции и статистика ООН. – Нью-Йорк, 1995. – С. 207; Сакс М. Тезисы, статьи, подготовленной для ЮНИСЕФ. – Флоренция, 1998. – 147 с.; Займалин Е.П., Социальная организация труда. – Ульяновск, 1996. – С. 248; Майорова Г. Правовой статус женщины в переходной период // Женщины Центральной Азии за мир и стабильность. – Ташкент – Хужанд, 2000. – С. 27.; Wohrmann Frieder. Economic Discourse in Uzbekistan: The Perception of Economic Change Between Market Principles and Social Traditions. – Bochum, 2000. – 278 p.; The status of women and children: Uzbekistan, multiple indicator cluster subrey – UNISEF (The United Nations Children fund) – N.Y, 2001. – 81p.; Uzbekistan Enerjy sector: Issues, analysis and agenda for reform. R. Sharma, Z.Breford, M.Iskakov, P.Thomson. – Washington: the World Bank, 2003. – 42 p.; Uzbekistan country financial accountability assessment Document of the World Bank, October 19, 2004. – Washington: the World Bank, 2004. – 53 p.

⁴ Гафарли М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.252.

имкониятлари ва саломатлиги, ижтимоий муҳофаза масалалари ҳам ўрганилган¹.

Тадқиқотнинг диссертация бажариладиган олий таълим ёки илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий Университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ, ОТ-Ф1-88 “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётида толерантлик тамойилининг тутган ўрни (қадимги даврдан то ҳозирги вақтга қадар)” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мустақиллик даврида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги фаолиятини тарихий тараққиёт босқичи билан узвий боғлиқ равишда очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хотин-қизлар масаласида давлат сиёсатидаги тарихий ўзгаришларни совет даври ва мустақиллик йиллари мисолида қиёсий таҳлил этиш;

ўрганилган даврда ижтимоий-сиёсий ислоҳотлардаги хотин-қизлар иштироки динамикасини тарихий босқичларга бўлиб тадқиқ этиш;

аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига тўсиқ бўлиб келган сабабларни ижтимоий сўровномалар асосида ўрганиш, бу борадаги муаммо ва камчиликларни ёритиб бериш;

кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали аёллар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;

хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган аёлларнинг маиший турмушидаги муаммоларни оғзаки тарих усули орқали ўрганиш;

оила мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатаётган хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик, ички ва ташқи миграция оқибатлари, суицид ҳолатлари, ёлланма меҳнат (мардикорлик) билан шуғулланувчи аёллар муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш;

хотин-қизлар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш механизмнинг шаклланиши ва унинг тарихий аҳамиятини баён этиш;

танланган мавзуни ўрганиш асосида келиб чиқадиган таҳлилий натижалар ва хулосаларни, шунингдек, ҳозирги замон талабларини инобатга олган ҳолда илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг 1991-2019 йиллар мобайнидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида хотин-қизлар фаолияти белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш ҳамда оила ва

¹ Гетланд С., Хайкок Ж. “Инвестиция и здоровье”. Социальная политика ПРООН. 1995.; Кренхель М. Содействие планированию семьи. Проект ГТЦ. – Ташкент, 1997.; Мак Коннел К. Обзор деятельности женское НПО в Центральной Азии. – Ташкент, 1999.; Хенкс Р. Гражданское общество и личность в Узбекистане. ПРООН, Комитет женщин Узбекистана. – Ташкент, 1999.; Ми Венди. Женщина в Республике Узбекистана. АБР. – Ташкент, 2000.

жамиятдаги мавқеини юксалтириш, бандликни таъминлаш, ижтимоий муҳофазалаш ва оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати моҳияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлаштириш, киёсий, миқдорий таҳлил, хронологик ва фанлараро ёндашув, сўровнома каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

совет даврида аёлларнинг жисмоний имконияти, ижтимоий ҳимояси, маиший турмуш тарзи эътиборга олинмасдан, уларни халқ хўжалигида ишчилар сафини тўлдиришнинг асосий манбаи ҳисобланиб, оиладаги фаолияти кадрланмагани натижасида бозор иқтисодиётига ўтиш қийинчиликларининг кескин таъсирига учраганлиги, бу эса мустақилликнинг илк йилларида жамиятдаги ўткир ижтимоий муаммоларнинг вужудга келишига олиб келганлиги исботланган;

давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизлар иштирокини кенгайтиришга қаратилган ислохотлар стратегиясига мувофиқ, фарзанд тарбиясини ижтимоий фаолият билан мутаносиб ҳолда олиб боришга интилишига қарамасдан давр талабига хос ижтимоий-ҳуқуқий кафолатларнинг етишмаслиги аёлларнинг ҳақиқий сиёсат субъекти бўлиши ва сиёсий фаоллигига тўсиқ бўлиб келганлиги асосланган;

хотин-қизларнинг бозор шароити ва рақобат муҳитидаги фаолияти уларнинг хусусий секторда ўсиш динамикасига таъсири этиб мулкдорлар сафидаги фаоллашуви янги иш ўринларининг яратилишига, республика бозорини истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитишга, аёллар бандлигининг янги шакл ва турларини шаклланишига ҳамда оилавий даромаднинг ортишига хизмат қилганлиги исботланган;

сўнгги йилларда аёлларнинг жамият ва оиладаги аҳволини тубдан ўзгартиришга қаратилган ижтимоий муҳофаза тизимидаги сифат ва миқдор кўрсаткичларининг натижадорлиги асосланиши оила мустаҳкамлигини таъминлашга таъсирини ўтказган ҳолда ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда долзарб ва ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишга ёрдам бериб, хотин-қизларга муносабатда ҳам ўзгаришларга сабаб бўлганлиги кўрсатиб далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги фаолияти тарихий тадқиқот усуллари ёрдамида ёритилган;

1991-2019 йилларда хотин-қизлар масаласи бўйича қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва амалий дастурлар умумлаштирилган ҳамда уларнинг натижалари таҳлил этилган;

аёллар манфаатларининг давлат қонунлари билан мустаҳкамланиши зарурияти ва истиқболлари ўрганилган;

хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатидаги иштироки, оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги ўрни ва роли, мазкур йўналишлардаги мавжуд муаммолар ўрганилган ва уларнинг ечими борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси жорий архиви маълумотлари, Ўзбекистон миллий архиви ҳужжатлари ва материаллари каби бирламчи манбаларга, оғзаки тарих усули орқали аёллар билан ўтказилган суҳбатларга асосланганлиги, илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётда жорий этилгани ва олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, эришилган натижалар Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги фаолияти бўйича услубий ёндашувларни ривожлантириш, мазкур масалага доир илмий ва назарий билимларни янада чуқурлаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан хотин-қизлар ўртасида олиб борилган ишларни, сиёсий партияларнинг “Аёллар қаноти” бўлимлари фаолиятини, аёллар масалалари билан шуғулланувчи жамоат ташкилотлар ишларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихига доир дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда амалий аҳамият касб этади. Илмий изланиш жараёнида йиғилган манбалар, статистик маълумотлар ҳамда социологик сўров натижалари таҳлилидан аёллар масаласи бўйича тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги фаолияти (1991-2019 йй.)” мавзуси бўйича ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий ислоҳотлардаги иштироки, оила мустаҳкамлигига эришиш ва ижтимоий муҳофазалашга доир амалга оширилган ишлар билан боғлиқ маълумотлар, илмий хулосалардан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган илмий-амалий анжуманларда, маҳаллаларда ташкил этилган учрашувлар, маъруза ва семинар-тренингларда кенг фойдаланилган. (Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2019 йил 20 июлдаги 05/1454-19-сон маълумотномаси). Мазкур материаллар асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар аёллар муаммоларини ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ва мониторинг қилишга хизмат қилган;

тарихий ўзгаришлар жараёнида аёллар масаласи ва мавжуд ижтимоий муаммоларга доир ишлаб чиқилган сўровномалардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан

Ўтказилган тадқиқотларда фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2019 йил 27 сентябрдаги №10/148-сонли маълумотномаси). Натижада хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги иштироки, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш имкони яратилган;

хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш омили бўйича тўпланган маълумотлар, илмий хулоса ва тавсиялардан ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси “Аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш” бўлимининг “Давлат бошқарувини демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялашда ЎзЛиДеП роли”, “Тадбиркорликка кенг йўл”, “Фермер аёлларнинг иқтисодий ислохотлардаги ўрни” мавзуларидаги ўқув семинарларида кенг равишда фойдаланилган (ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2019 йил 22 май 04/20-5-сон маълумотномаси). Тадқиқотда умумлаштирилган таҳлиллар хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда уларнинг ўрни ва ролини янада кучайтиришга қаратилган самарали ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги фаолияти бўйича тадқиқот натижалари, муаммолар ечимига доир таклифлардан 2019 йил 13 сентябрь куни Ўзбекистон тарихи телеканалининг “Тарихий савол” ток-шоуси сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон тарихи” телерадиоканалининг 2019 йил 9 январдаги 13-70-сонли маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар хотин-қизларнинг тарихда тутган ўрни, оила ва жамиятдаги мавқеи, давлат бошқаруви ва қарорлар қабул қилишдаги иштироки, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги фаолияти ҳақида кенг маълумотларга эга бўлишларига хизмат қилган.

Ишнинг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика илмий нашрларида 10 та, хорижда 4 та, шундан 2 та умумэътироф этилган индексацияланган маълумотлар базаларига киритилган журналларда илмий мақолалар эълон қилинган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланиб, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациядаги **“Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда аёллар фаоллигини оширишга доир давлат сиёсати”** деб номланган биринчи боби совет даври ва мустақиллик йилларида хотин-қизлар масаласида олиб борилган давлат сиёсатидаги ўзгаришларнинг тарихий таҳлили, ижтимоий-сиёсий ислохотларда хотин-қизлар фаолияти ва унинг тарихий босқичлари, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига тўсиқ бўлиб келган омиллар ёритилган. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги фаолияти жамият тараққиётининг барча босқичларида муҳим аҳамият касб этган, бироқ совет даврида ушбу масаланинг сиёсий ва иқтисодий манфаатлар асосида ҳал этилиши оғир оқибатларга олиб келган. Аёлларга муносабатда миллий, диний, тарихий ва маданий қадриятларга қарши кураш олиб бориш ҳамда халқ хўжалигини ривожлантиришда аёллар меҳнатидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш асосий мақсад қилиб олинган эди¹. Хотин-қизларни халқ хўжалигининг барча соҳаларига кенг жалб этилиши уларнинг оила доирасидаги фаолиятини камситилишига ва оиланинг қадрсизланишига олиб келган². 30%ни ташкил этган аёл-депутатлар ҳам олий ҳокимият органидаги 70% эркаклардан иборат кўпчилик қатори итоаткор бўлишган³. Айниқса, қишлоқ хотин-қизларининг турмуши ниҳоятда оғир бўлганлиги натижасида 1986-87 йилларда республикада оиладаги мураккаб аҳволга чидай олмаган 290 нафар аёл ўзига ўзи ўт қўйган, 1991 йилнинг 9 ойи давомида 788 та бу каби ҳолатлар аниқланган. Шулардан 142 таси Бухоро, 128 таси Тошкент, 165 таси Самарқандда, 90 таси эса Тошкент шаҳрида, 83 таси Қорақалпоғистон Республикасида ва 180 таси қолган вилоятларда рўй берган⁴. Ваҳоланки, аёллар турмуши ва меҳнати ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш,

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустақилчилиги даврида. Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.375.

² Қаранг: Жўраева Н. Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат. Ўқув қўлланма. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013. –Б.18.

³ Хаджаева С.А. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан. Автореферат дисс. на соиск.учен.степ.канд.юрид.наук. – Ташкент, 2004. –С.13.

⁴ ЎМА. М-69 фонд, 1-рўйхат, 93-иш, 58-60 varaқлар.

ижтимоий соҳани тубдан яхшилашдан иборат янги ислохотлар бундай фожиалар олдини олиши мумкин эди.

Тадқиқот ишида хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти тарихий 3 та босқичда кўрсатиб берилган:

Биринчи босқич – 1991-2000 йиллар. 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ташкил топди¹. Хотин-қизлар учун ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатни таъминлаш юзасидан махсус концепция ишлаб чиқилди². 1995 йили Республика Хотин-қизлар кўмитаси раисига бош вазир ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раисларига эса тегишли ҳокимлар ўринбосарлари мақоми берилди ва ҳокимият тузилмасига расман киритилди³. Шунингдек, Фармон ижроси бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасида – 4 киши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида – 3 киши, шаҳарлар ҳокимликларида – 2 киши, туманлар ҳокимликларида – 1 кишидан иборат ишчи органлари тузилди⁴.

1999 – “Аёллар йили” давлат дастури асосида хотин-қизлар манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш, қарорлар қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш, иқтисодий мустақиллигини таъминлаш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар⁵ қабул қилинди⁶. “Оила”, “Аёллар”, “Соғлом авлод” йиллари давлат дастурларида оилани ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва аёлларни ижтимоий муҳофазалаш масалаларига эътибор қаратилди ҳамда соғлом она ва бола тамойилини ҳаётга тадбиқ этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Иккинчи босқич – 2001-2010 йиллар. “Оналар ва болалар йили”, “Баркамол авлод йили” муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари доирасида соғлом авлод туғилишига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мақоми ва ролини ошириш, болани тарбиялаш ҳамда жисмоний-маънавий ривожлантиришда она ва оиланинг ролини кучайтириш ишлари амалга оширилди.

2004 йилда Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш мақсадида фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди⁷. Шунингдек,

¹ЎМА. М-37 фонд, 1-рўйхат, 2565-иш, 90-варақ.

²ЎМА. М-69 фонд, 1-рўйхат, 88-иш, 53- варақ.

³ 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1084-сонли Фармон // lex.uz.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 21-сон, 251-модда // <https://lex.uz>.

⁵ 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1084-сонли Фармон; 1999 йил 17 мартдаги “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2246-сонли қарори; 2000 йил 25 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини эркинликларининг кафолати тўғрисида”ги Қонун // lex.uz.

⁶ЎМА. М-37 фонд, 1-рўйхат, 1307-иш, 23- варақ.

⁷ 2004 йил 25 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // lex.uz.

аёлларнинг қарорлар қабул қилиш ва сайловлардаги иштироки юзасидан БМТ хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиясининг мақсадли тавсиясига кўра 30%ли квота белгиланди¹.

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сайлов яқунлари бўйича жами депутатларнинг 9,4 %ини хотин-қизлар ташкил этган² бўлса, Икки палатали Парламент сайловларида Қонунчилик палатаси депутатларининг 18% ва Сенат депутатларининг 15%и хотин-қизлардан сайланди. 159 нафар депутатликка номзод аёллардан 21 нафари амалда депутатликка сазовор бўлди³.

2008 йилнинг 1 январда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги⁴ Конституциявий қонуни ва 2010 йилда “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг қабул қилиниши хотин-қизларни сиёсий жараёнларга кенгрок жалб этиш, қонунлар ва қарорлар қабул қилишда эркаклар билан бирга тенг иштирок этишларига имкон яратди. Бироқ хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки эркакларга нисбатан озчиликни ташкил этиб келди. Бунинг сабаби аёлларнинг жамиятдаги анъанавий вазифалари – оила, фарзанд тарбияси, рўзғор юмушлари билан бандлиги, раҳбарларнинг аёлларга ва раҳбарлик лаёқатига ишончсизлиги, хотин-қизларда сиёсий ваколат учун кураш тажрибаси ва карьера имкониятлари етишмаслиги каби омиллар билан боғлиқ бўлди. Шунинг учун ҳам 2009 йилги сайловда барча номзодларнинг 31 %ини аёллар ташкил этган бўлса, сайлов яқунларига кўра бу кўрсаткич 22 %ни таъминлаган⁵.

Учинчи босқич – 2011-2019 йиллар. Бу босқичда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш имкониятларини янада кенгайтириш⁶, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, оилада юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар муҳитини шакллантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, қиз болаларни тарбиялаб вояга етказиш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун уларга кўмак беришга йўналтирилган⁷ қатор вазифалар амалга оширилди.

¹2004 йил 27 августда “Сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига ўзгартириш киритилган // lex.uz.

² ЎзМА. М-69 фонд, 1-рўйхат, 88-иш, 54-варақ.

³ Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг жорий архиви, 2005 йил маълумотлари.

⁴ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2006. 8 декабрь.

⁵ ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси “Аёллар қаноти” бўлими жорий архиви. 2009 йил ҳисоботи.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-1474-сонли қарори. // lex.uz.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги “Мустаҳкам оила йили” давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-1717-сонли қарори; 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили” давлат дастури ПҚ-2133-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги “Соғлом она ва бола йили” давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-2487-сонли қарори. // lex.uz.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда долзарб ва ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш зарурати хотин-қизларга муносабатда ҳам туб ўзгаришларга сабаб бўлди. 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, хотин-қизлар ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш¹, уларнинг жамият ва оиладаги аҳолини тубдан ўзгартириш², оиладаги вазифаларини ижтимоий фаолият билан биргаликда олиб бориш учун имкониятлар яратиш³, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар юзасидан қатор муаммо ва камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этишнинг қатор чора-тадбирлари белгиланди.

2016 йилда ер юзидаги аёлларнинг 0,4%и Ўзбекистонга тўғри келиб, улар республика аҳолисининг 16 544,9 нафардан зиёдини⁴, яъни 49,8%ни ташкил этди. 2019 йилда “Давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин аёл раҳбарлик лавозимларида, 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида 21 нафар депутат, маҳаллий кенгашларда 23%дан зиёд хотин-қизлар, 1 минг 25 нафар аёл ўзини-ўзи бошқариш идоралари раиси лавозимида фаолият олиб борган”⁵. Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозимида эса 8 мингдан зиёд аёллар фаолият юритган⁶.

Маълумки, гендер тенглик асосида шакллантирилган ва амалга оширилган сиёсатгина барча фуқаролар манфаатини тўла ифодалай олади. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётида аёлларнинг тенг асосда иштирокига эришишда уларни янада қўллаб-қувватлаш ва салоҳиятини юксалтириш муҳим омил саналади. Хусусан, 2014 йилги сайловларда хотин-қизлар

¹ 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, кишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 14 январдаги “Фермер хўжалиқларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 мартдаги “Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 200-сонли қарори; 2018 йил 12 апрелдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 285-сонли қарори.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.02.2018 й., 06/18/5325/0653-сон).

⁴ <https://gender.stat.uz/>.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2019, 22 июнь.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи // Халқ сўзи, 2018. 7 март.

Қонунчилик палатасида 18%, Сенатда 15%ни, 2019 йилда эса бу кўрсаткич 32% ва 23% нафарни ташкил этган.

Швецияда 1995 йилнинг бошида дунёда биринчи бўлиб эркаклар билан аёллар сони тенг бўлган Вазирлар Маҳкамаси тузилган. Ҳукумат таркибидаги хотин-қизлар сони 1987 йилдаги 3,4%дан 1995 йилга келиб 6,8%¹, 2018 йилда 47%га етган². Россия Давлат Думасида 2011 йилдаги сайловларда хотин-қизлар 14%ни, давлат ҳокимияти органларида эса 70,6% ни ташкил этган³. 2015 йилда Қозоғистон Республикасида хотин-қизлар Сенат таркибида 3 нафар, Мажлис таркибида 28 нафар, яъни 26,1%, Олий суди таркибида 36,4%, Ҳукумат таркибида 13 нафар вазирларнинг 2 нафарини, давлат бошқарувида 11%ни ташкил этган⁴. Давлатнинг тараққий этганлиги даражаси ва тутган мавқеи хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки, уларнинг қўллаб-қувватланиши билан белгиланади. Шунинг учун ҳам хотин-қизлар манфаатлари ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалаларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинди⁵.

Диссертациянинг **“Мустақил Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш омиллари”** деб номланган иккинчи бобида хотин-қизлардан мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва бандликни таъминлаш юзасидан эришилган натижалар мазмун-моҳияти, Ўзбекистонда тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда аёллар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида айнан кадрлар сифатини таъминлаш мақсадида таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, хотин-қизлар ўртасида профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, аёллардан малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган давлат сиёсати олиб борилди. 1992 йилда олий ва ўрта маълумотлиларнинг 51%и хотин-қизлар бўлиб, улар врачларнинг 60%и, ўқитувчиларнинг 65%и, давлат муассасаларида хизмат қилган ходимларнинг 70%и, ишчи хизматчилар таркибида 62,8%ини ташкил этган⁶. Бироқ, 90-йиллар бошида совет давридаги ижтимоий муаммолар аёллар иқтисодий аҳволига таъсир кўрсатиб, хотин-қизлар кўпроқ банд бўлган енгил саноат корхоналарининг ёпилиши натижасида ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва

¹ Женщины мира: Тенденции и статистика ООН. – Нью-Йорк, 1995. – С.207.

² В парламенте Швеции почти половина женщин-депутатов, в Венгрии – всего 13%. // Европейская правда. 7 март, 2019. <https://www.eurointegration.com.ua/rus/news/2019/03/7/7093691>.

³ Зимин В.А. Женщины России в политике и структурах власти. // <https://cyberleninka.ru/article/v/zhenschiny-rossii-v-politike-i-strukturah-vlasti>.

⁴ Сарбаева Р.Е. Женщины Казахстана в политике и на международной арене: гендерная проблематика. // <https://articlekz.com/article/16679>.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиклар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари // lex.uz.

⁶ ЎМА. М-69-фонд, 1-рўйхат, 88-йўғма жилд, 52-варак.

аёлларнинг ишсиз қолишига сабаб бўлган¹. Шунингдек, иқтисодий таъминот ва имтиёзларнинг камайиши, миллий кадриятларнинг қайта тикланганлиги каби омиллар уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштирокининг пасайишига олиб келган, яъни бу кўрсаткич 1992 йилда 46,5%ни, 1997 йилда эса 42,2%ни² ташкил этган. Ишсизлик натижасида улар ҳеч қандай қафолат бермайдиган вақтинчалик ва қишлоқ хўжалиги ишлари ёки инсон соғлиги учун зарарли меҳнат билан шуғулланишга, оила бюджетини кўпайтириш мақсадида энг кам иш ҳақи тўланадиган ишларни бажаришга мажбур бўлдилар³. Қишлоқ оилалари катта ва уй-рўзғор юмушларининг кўплиги туфайли аёллар ёлланма иш излашга зарурат сезмаган⁴. Аёллар ижтимоий меҳнат ва оиладаги уй-рўзғор юмушлари билан бирга ҳафтасига 82 соат ишласа, эркак ҳафтасига 41 соат меҳнатда банд бўлиши аниқланган, қишлоқ аёлининг ижтимоий аҳволи эса бундан ҳам оғирроқ бўлган⁵. 1997 йилда аёллар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровномада қатнашган меҳнатда банд бўлган аёлларнинг 67,8%и – бандликни афзал кўрса, 21%и эса оилавий эҳтиёжи таъминланса, уй бекаси бўлишни маъқул кўрган⁶. Бу кўрсаткичлар аёлларнинг оилавий эҳтиёжларни қондириш мажбурияти, жамиятда фаол бўлиш, замонавий дунёқараши ва касбий малакасини ўстириш, карьерага бўлган интилиш каби омиллар билан изоҳланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, касаначилик соҳалари аёллар бандлигининг ўсишига хизмат қилди. Бунда 1991 йилдан фаолият юритиб келган “Тадбиркор аёл” уюшмаси ҳамда Фермер хўжаликлари уюшмаси қошидаги “Ташаббускор аёл” маркази муҳим роль ўйнади. “Тадбиркор аёл” уюшмаси ўзида 15000 дан ортиқ тадбиркорлик субъектини бирлаштирган⁷. 2008 йилда “Ташаббускор аёл” маркази 2000 фермер аёлни бирлаштирган бўлса, 2018 йилга келиб уларнинг сони 4500 дан ортди⁸. Бу каби жамоат бирлашмалари хотин-қизларнинг тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, уларнинг иқтисодий билимларини ошириш, қайта касбга тайёрлаш, оилавий тадбиркорликка кўмаклашишга хизмат қилди. Шундай бўлсада, тадбиркор ва фермер аёллар ўртасида кредитлаш, ўз маблағларини тасарруф этишдаги

¹ ЎМА. М-69-фонд, 1-рўйхат, 93-йиғма жилд, 75-варақ.

² Ўзбекистон аёллари ва эркаклари. Статистик тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 2002. – Б.107.

³ Майорова Г. Правовой статус женщины в переходной период // Женщины Центральной Азии за мир и стабильность. – Ташкент – Хужанд, 2000. – С. 27.

⁴ “Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволи” ҳақидаги маъруза. БМТРД (Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ривожланиш дастури) “Гендер ва ривожланиш” бюросининг ташаббуси билан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан иқтисодий тадқиқотлар маркази ва “Гендер ва тараққиёт” RBEC/UNDP регионал дастури. – Тошкент, 1999. – Б.48-49.

⁵ ЎМА. М-69-фонд, 1-рўйхат, 88-йиғма жилд, 53-варақ.

⁶ Женщины и мужчины Узбекистана. Статистический сборник. Государственный департамент статистики. – Ташкент, 2002. – С. 98.

⁷ Аёллар жамоат ташкилотлари Форуми, 2016 йил. www.wcu.uz

⁸ Исмоилова З. Фермер аёллар қишлоқ хўжалигига илғор ишланмаларни татбиқ этади. // Халқ сўзи, 2018 йил, 3 март.

кийинчиликлар, айрим юқори даражадаги мажбурий тўловлар ҳам асосий муаммо ҳисобланган.

1995-1996 йиллардаги тадбиркор аёллар фаолиятининг ўсиши кўйидагича таҳлил этилди: Навоий–438/516; Сурхондарё–145/195; Жиззах–144/192; Фарғона–410/503; Қорақалпоғистон Республикасида – 2978/3317 нафарни ташкил этган¹. Аёллар бандлигининг худудий жиҳати ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ҳамда минтақага хос бир қатор ижтимоий ва маданий хусусиятлар билан боғлиқдир.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлашда касаначилик фаолиятини ривожлантиришга оид қатор меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши² бу борадаги фаолиятни ривожлантиришда салмоқли туртки бўлди. Наманган вилоятида 2007 йил давомида уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига 14165 нафар аёллар иш билан таъминланган бўлса³, 2010 йилда Андижон вилоятида 100 дан ортиқ йўналишларда 23 мингдан зиёд касаначилик иш ўринлари яратилган⁴. Бироқ аёллар ўртасида ишсизлик муаммоси оқибатларини бир марталик ёлланма меҳнат (мардикорлик) фаолиятида ҳам кўриш мумкин. 2018 йилнинг июнь ойида Тошкентдаги Қўйлик бозори яқинида Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятидан келиб мардикорлик қилган 112 нафар аёлларнинг муаммолари ўрганилиб, уларнинг 67 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди⁵. Аёлларнинг аксарияти ўз худудларидаги Халқ қабулхоналарига мурожаат қилган, муаммолари ечимини топмагач, бир кунлик ёлланма меҳнатга мажбур бўлишган. Бунга эса ишсизлик, уй-жойнинг йўқлиги, турмушидан ажралгани ва боқувчиси йўқлиги, норасмий никоҳлар каби ижтимоий муаммолар сабаб бўлганлиги аниқланди.

Аёллар ишсизлиги бўйича Жиззах вилоятида 2008 йилда ўтказилган сўровномада респондентларнинг 41,0%и тўлиқ, 26,3%и мавсумий, 21,5%и қисман, 10,2%и вақтинчалик ишсиз эканлиги аниқланди. Уларнинг 25%и олий; 48,4%и ўрта; 25,2%и бошланғич маълумотга эга бўлган⁶. 2017 йилги сўров натижаларига кўра, аёлларнинг 74,3%и замонавий аёл учун олий маълумот муҳимлигини билдирган, уларнинг 41,7%и маълумоти ва малакасига мос касба фаолият юритиши аниқланган⁷.

¹ ЎМА. М-37 фонд, 1-рўйхат, 2559-йиғма жилд, 133-варақ.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январда қабул қилинган 1-қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами. – Тошкент, 2006. № 2. 9-м.

³ Наманган вилоят Оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлими ҳисоботидан. 2007 йил.

⁴ Юсуфов С. Касаначиликнинг изчил ривожини // Халқ сўзи. 2010. 23 январь.

⁵ Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси жорий архиви. Бўлимнинг иш режаси ва уни бажарилишига оид ҳужжатлар (маълумот ва ҳисоботлар). 05-06-папка.

⁶ Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси жорий архиви, 2009 йил маълумотлари.

⁷ Бобоназарова Ж.Х. Қишлоқ аёлларининг ишсизлигини камайитириш (Жиззах вилояти мисолида). Иқтисод фанл. номз. ...дисс. –Тошкент, 2002. – Б. 101.

Хотин-қизлар ўртасида ишсизликни олдини олишда маълумотлилик даражаси муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизларни ишга қабул қилишдаги маъмурий чекловлар, тиббиёт ва педагогика соҳаси битирувчилари кўрсаткичининг талабга нисбатан юқорилиги ишсизликни келтириб чиқарган омиллардан бири бўлса, шунингдек, ўрта махсус ёки олий таълим муассасаларининг ҳудудий бир текис жойлашмагани (асосан Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Андижон вилоятларида), касб танлашда қизлар учун оилавий ҳаётда фойдали бўладиган ҳамшира, тарбиячи, тикувчи каби мутахассисликларни кўп ҳолларда ота-оналар томонидан аниқланиши, 2004-2017 йиллар давомида сиртқи таълимдан воз кечилганлиги аёлларни фарзанд тарбияси ва уй-рўзғор юмушларини бажариш билан биргаликда олий маълумот олиш имкониятларининг қисқаришига сабаб бўлди.

Республикада 1995 йилда жами ишсизлар сони 35754 нафарни ташкил этган бўлса, шундан 16769 нафари аёллардан иборат бўлган¹. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик муаммоси сифатида уларга нисбатан жамиятда сақланиб келаётган ошкора ва яширин шакллардаги гендер номутаносибликнинг таъсири, оналик вазифаларини бажариш туфайли иқтисодиётда тўлақонли иштирок эта олмаслик, аёллар ишчи кучининг суст мослашувчанлиги, малака даражасининг пастлиги каби хусусиятлар билан изоҳлаш мумкин².

